ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 24 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 170 – 171 (13.233–13.234)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ" УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон – **"Олтин юлдуз"** медали топширилсин:

Курбанов Равшанбек Давлетович — "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори


Ражабов Шарипбой — Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Умматов Эркин Рахманович — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари – "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи

Шарапова Мухаббат Араповна — Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 август



Курбанов Равшанбек Давлетович



Ражабов Шарипбой



Умматов Эркин Рахманович



Шарапова Мухаббат Араповна

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XXXI ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки,Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медаль олгани учун
ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Нурудинов Руслан Шамилевич – оғир атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Зоиров Шахобидин Шокирович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Гаибназаров Фазлиддин Хасанбаевич – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун
ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Гиясов Шахрам Джамшедович – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Меликўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

бронза медаль олгани учун
ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Ахмадалиев Муроджон Қаҳор ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулаганов Рустам Тўлқин ўғли – бокс бўйича терма жамоа аъзоси;

Собиров Ришод Рашидович – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Урозбоев Диёрбек Бахтиёр ўғли – дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тасмурадов Елмурат Зулипхар-ули – юнонрум кураши бўйича терма жамоа аъзоси;

Наврузов Ихтиёр Каримович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ибрагимов Магомед Идрисович – эркин кураш бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада – АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгиланган тартибда очиладиган депозит ҳисобрақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртманомалари бўйича белгиланган тартибда конвертация қилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 август



ТАСАННО СИЗГА, ВАТАН ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРГАН СПОРТЧИЛАР

"Рио – 2016"дан олимпиадачиларимиз Ватанимизга 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронза медални олиб келди

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз мамлакатимизга қайтиб келди. 23 август куни Тошкент аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, журналистлар жам бўлди.

...Спортчиларимиз ўтирган самолётнинг қўнишига ҳали вақт бор. Даста-даста гул кўтарган юртдошларимиз ҳаяжонда, қувончининг чеки йўқ. Айниқса, Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлиб Ватанимиз довруғини оламга янада кенг таратган спортчиларимизнинг ота-оналари, яқинлари беҳад мамнун.

"Баракалла ота ўғил, бопладингиз!". Ўғли Ҳасанбойни бағрига маҳкам босиб шундай дейишни дилига туккан, фарзанди билан бўлажак дийдор онларини интиқлик билан кутаётган Маъруфжон Ҳайитбоевни суҳбатга тортамиз:

– Ҳаяжонланаяпман, этим жимирлаб кетаяпти, ўғлим чемпион, ахир! – дейди Маъруфжон ака. – Ўғлимнинг ғалабаси нафақат қишлоғимиз аҳлини, балки бутун Ўзбекистон халқини руҳлантириб юборди. Болам, мақтанишга йўйманг-у, фарзандларим, айниқса, Ҳасанбойнинг Ватанимиз довруғини олам узра тараннум этаётганидан, эл-юртимизга хизмат қилаётганидан ич-ичимдан фахрланаман. Спортчиларга доимо ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаганидан беҳад хурсандман. Агар муборак истиқлол бўлмаганида ўғлим Ширмонбулоқдаги томошалардан нарига ўтолмасди. Унинг ғалабаси мамлакатимизда спорт, айниқса, болалар спортига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

...Соат 21:00. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг спортчиларимиз ўтирган махсус авиалайнери Тошкентга қўнгани эълон қилинади. Орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди. Бутун дунё нигоҳи қадалган Рио майдонларида Ўзбекистон номини шарафларга буркаган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда она Ватан заминига қадам қўяди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Лобар қизлар уларга гуллар тақдим этади.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон халқ артистлари Э.Комилов, О.Назарбеков, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Д.Холжигитова, Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўстматовнинг онаси Д.Ҳайитбоевалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг шароитлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон спорт оламида янги саҳифа очган олимпиадачиларимизни ушбу юксак ғалабалар билан табриклади. Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид олимпиадачиларимиз ғалабасига бағишланган шеърини ўқиди.

Ғолиб ва совриндор спортчиларимиз номидан сўзга чиққан Ҳасанбой Дўстматов, Руслан Нурудинов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Ғойибназаров, Бектемир Меликўзиев бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда берди.

– Бизни бундай катта тантана билан кутиб олишганидан хурсандмиз, – дейди XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиби Шаҳрам Гиёсов. – Бу эътибор ва ғамхўрлик бизнинг келажакда янада юксак муваффақиятларга эришишимизда қувват бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан табриклайман.

– Ёшларга юксак ишонч билдирадиган, бирор нуфузли мусобақага кетса тантанали кузатиб, байрам қилиб кутиб оладиган мамлакат дунёда кам. Ҳозир қувончдан теримга сиғмай кетаяпман. Ҳаммаси учун раҳмат, – дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби Диёрбек Ўрозбоев. – Олимпиада нафақат мен учун, балки бутун терма жамоамиз учун омадли бўлди. Биз, ёшларнинг қўлга киритаётган бундай ютуқларимиз мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг меҳр-эътибори, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайлидир.

Спортчиларимизнинг самимий дил сўзларини тинглаб, ўзига ишончи мустаҳкамлигини ҳис қилиб, дадил ҳаракатларини кузатиб, ота-оналарнинг кўзларида қувонч ёшларини кўриб шундай озод ва обод Ватан фарзанди эканидан кишининг қалби чексиз ифтихорга тўлади. Ўғил-қизларимизнинг ҳаёлидан "Мен ҳам мана шу акаларим, опаларимдек бўлсам, ота-онам, яқинларим, Президентимиз, халқимиз менга ҳам шундай ишонч билдирса, "Болаларим, менинг фарзандларим! Маррани доимо баланд олиб яшанг. Эртанги кун бизники, сиздек шижоатли ёшларники", деб қўллаб-қувватлаб турса, бундан ортиқ бахт борми?!", деган орзиқишнамо ўй ўтади.

Хаёлга толасан киши. Нега 25-30 йил илгари битта-иккита адашиб чиқиб қолган спортчини инобатга олмасак, қолган истеъдодларимиз, таъбир жоиз бўлса, Тўйтепадан нарига ўтолмаган, овози икки дарё оралиғида қолиб кетган? Нима, асрлар давомида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби ўнлаб алломалар, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк саркардалар, кураши ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуддек полвонларни тарбиялаган халқ бирданига истеъдодсиз бўлиб қолганми? Йўқ, албатта. Ўзбекистон замини ҳамиша истеъдодларга бой бўлган. Буни кўҳна тарих бот-бот исботлайди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамига бағишлаб ўтказилган ёшлар фестивали "Истиқлол фарзандлари" деб номланди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган фестивалга 1 минг 600 дан зиёд йигит-қиз жалб этилди.

● Навоийда баркамол авлодни тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг роли ва улар олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган ўқув-амалий семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилояти ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган фотокўргазма очилди.

● Каттақўрғон шаҳрида "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи ўтказилди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда танловнинг қуйи босқичларида муваффақият қозонган бошланғич ташкилотлар ўнга яқин номинация бўйича баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан Какинада томон йўл олган йўловчи автобусининг белгиланган тезликка риоя этмай, кўприкдан каналга тушиб кетиши натижасида 8 киши ҳалок бўлган, қидирув-қутқарув ишлари орқали 18 нафар жароҳатланган йўловчи қутқариб олинган.

● АҚШнинг Кейп-Код ярим ороли қирғоқларида Уэйн Никерсон исмли балиқчи табиатда кам учрайдиган кўк қисқичбақа тутиб олди. Ушбу жонзот бир килограмм оғирликка эга бўлиб, балиқчи уни маҳаллий океанариумга топширишни режалаштирмоқда. Айтиш керакки, баъзи денгиз жонзотлари ирсий ўзгаришлар оқибатида кўк рангга кирар экан. Шу йилнинг апрель ойида Япония қирғоқларида балиқчилар кўк рангли акулани овлашган эди. Беш метрли бу жониворнинг оғирлиги бир тоннага яқин бўлган.





ЎзА олган суратлар

ТАСАННО СИЗГА, ВАТАН ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРГАН СПОРТЧИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёмғир билан қуёш нури уйғунлашмаса, камалак ёғду сочмайди. Офтоб кўрмаган ниҳол кўкка бўй чўзмайди... Инсон ҳам шундай: озод бўлсагина буюк мақсадлар билан яшайди, тараққиёт билан ҳамқадам бўлади. Бунинг устига, Президентимиз айтганидек, парвоз учун зарур майдон, қанот бўлса-чи?! Ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда истеъдодлар ҳаммани ҳайратга солиб юзага чиқаверади. Ғолиблар, чемпионлар етишаверади.

...Олимпиада ғолиб ва совриндорлари, иштирокчилари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари кабриолетнамо усти очиқ автобусга ўтириб кетма-кет йўлга чиқади. Музаффар спортчиларимизни атай кутиб олиш учун йиғилганларнинг адоғи кўринмайди. Улар йўл четида турнақатор тизилиб спортчиларимизни қўлларидаги байроқчаларни ўйнатган ҳолда тарихий ғалаба билан қутлайди. Чексиз ифтихорга тўла ҳайқириқлар, олқишлардан этингиз аллақандай жимирлаб кетади. Шаҳримиз аҳолисининг ёниб турган кўзлари, гулгун чеҳраси оламни ўзига маҳлиё айлаган юрт фуқароси эканидан фахрланаётганини ифодалайди. Тасанно сизга, Ватан шарафини юксалтирган спортчилар!

"Рио – 2016"да Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз минглаб кутиб олувчилар ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига етиб келади. Карнай-сурнай садолари янграйди. Ёрқин ғалабалари билан бутун халқимизни хушнуд этган спортчиларимизга зар тўн кийдирилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди. Барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал ривожланди.

Анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан дунё миқёсида кузатилмаган мутлақо янги тизим – Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, янги босқичга кўтариш ва изчил давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мутлақо янгича асосда бунёд этилган таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўз куч-қуввати, ўз ақл-заковати билан қурадиган ёш авлод камол топмоқда. Улар нуфузли халқаро мусобақаларда, олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини амалда исботлаётгани барчамизни қувонтиради.

Илгари халқимиз тилида "чекка қишлоқ", "олис ҳудуд" деган "атама"лар бўларди. Манзараси ҳам шунга монанд: чанг кўчалар, пастқам, лойсувоқ уйлар. Шароитини-ку айтмаса ҳам бўлаверади. Бугун "чекка ҳудуд" деган атама ёзма ва оғзаки нутқимиз, тасаввуримиздан ўчган. Қишлоқ шароити шаҳарникидек. Қаранг, "Рио – 2016"да ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизнинг аксарияти, 20-25 ёшда. Улар мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, истиқлол иншоотларида савод чиқарган, спорт ҳадисини олган. Ёшларимизнинг дунёнинг мана-ман деган чемпионларини зумда енгишини кузатар экансиз, таълим-тарбия ва спорт соҳаларида амалга оширилган ишларнинг ёрқин самарасини кўрасиз.

Бу, Президентимизнинг агар биз Ўзбекистоннинг бутун дунёга ном қозонишини истасак, юртимизнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъи назар, йилт этган истеъдод эгаларини излаб топиш ва қўллаб-қувватлашга барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак, деган сўзларининг амалдаги исботидир.

Буни спортчиларимизнинг биргина ёзги Олимпия ўйинларидаги иштироки мисолида ҳам кўриш мумкин.

1996 йили Атлантада ўтган ёзги Олимпия ўйинларида юртдошларимиз биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритган. 2000 йил Сидней шаҳри мезбонлик қилган баҳсларда спортчиларимиз битта олтин, битта кумуш ва иккита бронзани мамлакатимизга олиб келган. Афинада 2004 йили ўтказилган беллашувларда спортчиларимиздан икки нафари шоҳсупанинг биринчи, яна шунчаси учинчи ва бир нафари иккинчи поғонасини банд этган бўлса, 2008 йилги Пекин Олимпиадасида улар 6 медални қўлга киритган: 1 олтин, 2 кумуш, 3 бронза. Олимпиячиларимиз 2012 йили Лондондан битта олтин, иккита бронза билан қайтиб келган. "Рио – 2016"да юртдошларимизнинг 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронзани қўлга киритгани Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шукуҳи билан яшаётган халқимизга муносиб совға бўлди.

Эътибор берсангиз ёшларимиз Олимпиададан ҳеч қачон медалсиз қайтмаган.

Мустақиллик йилларида спорт соҳасида амалга оширилган ишлар натижаси таҳлили учун яна бир мисол. "Рио – 2016"да дунёнинг икки юздан зиёд давлатидан спортчилар қатнашди. Улар орасидан 87 давлат спортчиларигина шоҳсупага кўтарилди. Олтин медални қўлга киритганлар янада кам – 59 та. Ўзбекистон спортчилари 13 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 21-ўринни банд этди. Ўзбекистон спорт делегацияси Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Боксчиларимиз 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, Куба, АҚШ, Буюк Британия ва Россия каби бокс энг ривожланган давлат спортчиларини ортда қолдириб, дунёда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори спортчиларимизнинг ушбу нуфузли мусобақада юксак натижаларни қайд этишида муҳим дастуруламал бўлди.

Рио-де-Жанейрода ўтган Олимпия ўйинларида 70 нафар спортчимиз академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича баҳслашди. Улар орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этган ёш спортчилар кўплиги мамлакатимиз спорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида боксчиларимиздан Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев кумуш, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев, дзюдочилар Ришод Собиров, Диёрбек Ўрозбоев, эркин кураш бўйича Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов, Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медаль қўшди.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири бокс мусобақаларида рўй берди. 49 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда ўзбек боксчиси Ҳасанбой Дўстматов мексикалик Хоселито Веласкес, қозоғистонлик Биржан Жакипов, АҚШ вакили Нико Мигель Хернандесни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Ҳасанбойнинг финал жангини беҳаловат кўрмаган, ғалабасини – мусобақадаги илк олтин медалимизни бетоқатлик билан кутмаган юртдошларимиз бўлмаса керак. Масалан, биз жангни жўралар билан бирга кўрдик. Олимпиада олтин медали учун ҳал қилувчи баҳс муросасиз кечди. Чор- атрофдан "Ур!", "Йиқит!", "Бўш келма, Ҳасанбой!", деган ҳайқириқлар қулоққа чалинади. Сўнгги раундни ҳамма тик ҳолда кузатди. Якунда Ҳасанбой колумбиялик Юберхен Мартинесни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳасанбой Олимпия ўйинларида энг ёрқин жангларни олиб боргани учун "Рио – 2016" олимпиадасининг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоги билан тақдирланди.

Таниш-нотаниш ҳамма бир-бирини ғалаба билан қутлади – олтин медаль муборак!

Уйга қайтаётсак, кишини қувонтирадиган, қалбида Ватанига бўлган муҳаббатини янада жўш урдирадиган ажиб манзарага кўзимиз тушди: аксарият машиналарнинг орт ойнасига "Рио – 2016" белгиси ёпиштирилган. Тепа қисмига Ўзбекистон байроғи тиркалган. Юрганда мағрур ҳилпирайди.

Спорт – тинчлик, ҳамжиҳатлик элчиси. Одамларни жипслаштиради. Қалбида ватанпарварлик ҳиссини жўш урдиради. Наинки ҳайдовчи, бутун халқимиз Риодаги Олимпиадада фақат Ўзбекистон байроғи юқорига кўтарилишини истадик. Фақат ўзимизнинг байроқни кўришни, мадҳиямизни тинглашни истадик.

Шундай ҳам бўлди. Шукр!

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов ҳам Олимпиада олтин медали билан тақдирланди. У штанги даст кўтаришда 194, силтаб кўтаришда 237, иккикураш натижасига кўра 431 килограмм натижа қайд этиб, Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди. Унинг силтаб кўтаришда кўрсатган натижаси Олимпиаданинг янги рекорди сифатида мана-ман деган соҳа мутасаддилари томонидан кенг эътироф этилди. Чет эл оммавий ахборот воситалари ўзбек фарзандини мақтаб мақолалар ёзди.

Мана улардан бир шингили: "Нурудинов 2012 йилда Лондон Олимпиадасида 4-ўринни эгаллаганидан сўнг унинг чап тиззасида жароҳат пайдо бўлди. Шу боис у 2013 йилдан 2015 йилгача спорт мусобақаларида қатнаша олмади. Руслан ўша дамларда ўзида катта куч ва ирода топиб, яна спорт мусобақаларига қайтиш ҳақида ўйлади ҳамда бугун шундай юксак маррани эгаллади". Agence France-Presse.

"У силтаб кўтаришда 237 килограмм натижа билан Олимпия ўйинларининг янги рекордини ўрнатди. Иккикураш якуни бўйича олтин медални қўлга киритди. Шу пайтгача Марказий Осиё давлатлари орасида ҳеч бир оғир атлетикачи бундай муваффақиятга эриша олмаган". www.nbcwashington.com

Мамлакатимиз спортчилари халқимизни хушнуд этишда, олтин медаллар сонини кўпайтиришда, Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшишда давом этди.

– Мусобақада конголик Дивал Малонган, ҳиндистонлик Манож Кумар, АҚШ вакили Гари Рассел, россиялик Виталий Дунайцев, финалда Озарбайжон шарафини ҳимоя қилган Лорензо Коллазо Сотомайорни енгиб, олтин медалга сазовор бўлдим, – дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Фойибназаров. – Менда финалдаги баҳс, айниқса, катта таассурот қолдирди. Рингга чиққанимда дастлаб юртдошларимиз қўллаб-қувватлаган бўлса, иккинчи ва учинчи раундда залдаги томошабинларнинг "Uz-be-kis-tan!", "Uz-be-kis-tan!" деган ҳайқириқлари қулоғимга чалина бошлади. Ғалаба қозонишимни наинки ватандошларимиз, дунё аҳли ҳам истаётганини англадим. Ҳакам қўлимни кўтарганида кўзимдан ёш отилиб чиқди. Ўша лаҳзада туйган ҳисларимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Муҳими, ишончни оқладим, Ватанимиз байроғи энг баланд кўтарилди, мадҳиямиз дунё узра жаранг сочди!

– Риодаги иштирокимни саралаш босқичидан бошлаганимда вақти келиб Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев ва Фазлиддин Фойибназаров қаторида бокс беллашувларининг финалига йўлланма олишим хаёлимга ҳам келмаган эди, – дейди ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Шаҳобиддин Зоиров. – Рақибларимни мағлуб этганим сари Президентимиз, юртдошларимиз билдирган ишонч масъулияти ортди. Финал жангига киришишдан аввал устозим "сен бу ерга нафақат ўзбекистонлик боксчи, балки Ўзбекистоннинг юзи ҳам бўлиб келгансан. Юзинг ерга қарамасин", деди. Хулоса қилдим. Натижаси маълум!

Боксчиларимиз Ҳасанбой Дўстматов, Шаҳобиддин Зоиров, Фазлиддин Фойибназаров, оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов ғалабаси шарафига XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси янгради.

Булар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самараси сифатида Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётганидан яна бир далолатдир.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбирлари

ЁРУҒ КУНЛАР НАШИДАСИ

Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши – буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди.

Бу муқаддас туйғу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда хизмат қилаётган, шу мақсадда таълим олаётган ёшларда янада кучлироқ бўлиши зарур. Чунки уларнинг зиммасига юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлашдек улкан ва шарафли масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Замонавий шароитда ватанпарварлик тарбиясини янада юксалтиришнинг долзарб масалалари" мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос тизим яратилгани етук мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ички ишлар тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш, шахсий таркибни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ходимларнинг дунёқарашини юксалтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кун соҳа ходимларидан юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билишдек фазилатларни янада юксалтиришни тақозо этаётир. Ана шу руҳда таълим-тарбия олган соҳа ходимлари нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ТЎҒРИСИДА

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида "Узбекская модель" развития: великое возрождение" ("Тараққиётнинг "ўзбек модели": буюк юксалиш") деб номланган китоб-альбом нашрдан чиқди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Правда Востока" газетаси ижодий жамоаси томонидан тайёрланган материаллардан жамланган. Уларда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти мазмун-моҳияти очиб берилган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ва давлатимизнинг тарихий ютуқларига асос бўлаётган ислоҳотлар кўлами ёрқин мисолларда ифода этилган.

Чиройли безатилган, суратларга бой ушбу нашр ўзига хос мустақиллик солномасидир. Ундан Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш, умумэътироф этилган "ўзбек модели"ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, кўп миллатли жамиятимизда тинчлик-тотувликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида билиб олиш мумкин. Китобда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, агросаноат ва транспорт соҳасини сифатли янгилаш, ёшларга оид давлат сиёсати ва кадрлар тайёрлаш, миллий маънавий тикланиш ҳамда ёшларни баркамол ривожлантириш мавзуларига алоҳида боблар бағишланган. Мақолаларда мамлакатимизда эришилган ютуқларни юксак баҳолаган таниқли халқаро мутахассислар ва оддий одамларнинг фикр-лари келтирилган.

Китоб-альбомнинг мақсади – кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни, 25 йил давомида нималарга эришганимизни содда қилиб тушунтириш. Нашр кенг доирадаги китобхонлар, жумладан, давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари, олимлар, ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутахассислари, шунингдек, ёш авлод вакиллари учун мўлжалланган.

(ЎзА)

"Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида "Беруний майдони" маҳалласида истиқомат қилувчи 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари иштирокида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Обод юртим, обод маҳаллам" деб номланган акция ташкил этилди.

ОБОД МАҲАЛЛАМ

Шу ўринда айтиш жоизки "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар бўлиб ўтмоқда. Лойиҳа доирасидаги "Обод шаҳрим, обод маҳаллам" акцияси маҳалла ёшларининг ўз ташаббускорликлари ҳамда миллий урф-одатларимизнинг бетакрор шакли бўлган ҳашарнинг уюшқоқлик билан ўтишида кўрсатаётган жонкуярликлари кишини қувонтиради.

— Ободончилик ишлари маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи фаол ва иқтидорли ёшлар иштирокида ўтказилди, — дейди "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши раиси Фаёз Қўшоқов. — Болажонлар юзидаги қувончни, самимийликни, улардаги меҳнатсеварликни кўрган ҳар бир инсоннинг баҳри-дили очилмасдан илож йўқ. "Обод шаҳрим, обод маҳаллам" акцияси ёз мавсуми давомида юртимиздаги барча ёшларга қувонч ва бахтиёрлик олиб келишига ишонаман. Болажонлар нафақат ўзлари истиқомат қиладиган уйларининг атрофини, балки маҳалла ҳудудида ташкил қилинган полиз экинлари майдончасини ҳам кераксиз хас-хашак ва чиқиндилардан тозаладилар. Ҳозирги кунда ёшларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг ҳар хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида шаҳарча ҳудудида жойлашган ҳар бир маҳалла ёшлари билан тизимли равишда барча йўналишларда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳашар давомида болажонлар кўчаларга сув сепиб, йўлакларни супурдилар. Қилинган иш нафақат болажонларга, маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи барча аҳолига бирдай манзур бўлди. Маҳалласи ободлиги учун ҳисса қўшган болажонлар нафақат оиласи, юрт ободлигига ҳам ҳисса қўшаётганликларидан фахрландилар.

Тадбир ниҳоясида энг фаол иштирок этган ёшлар "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

МУНОСИБ ТУҲФА

"Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва ижодий учрашувлар мунтазам равишда ўтказилиб борилмоқда.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида агентлик томонидан ташкил этилган, "Киноактёр" театр студияси ҳам бунинг ёрқин бир ифодасидир. Студия ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ёш киноактёрларнинг профессионал малакасини оширишга хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Жумладан, миллий қадриятларимизни қадрлашга, тарихий меросимизни янада тарғиб қилишга чорлайдиган, ёшларнинг онгу тафаккурини теранлаштиришга хизмат қиладиган асарларни саҳналаштиришни режалаштирмоқда.

Мазкур студияда ёзувчи Ёвдат Илёсовнинг "Олачипор ажал" тарихий романи асосида қўйилган "Тўмарис" спектакли саҳналаштирилди. Республика киночилар уйида ушбу спектаклнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун тақдимоти бўлиб ўтди.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори О.Мусаев ва бошқалар мустақиллик йилларида санъатнинг барча турлари каби кино ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини, ёш ижодкорлар учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилиб берилаётганини таъкидлади.

"Киноактёр" театр-студиясининг ташкил топиши ҳам кино ижодкорларнинг доимий изланиши, интилиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини чархланиши ва юзага чиқиши учун ўзига хос ижодий мактаб вазифасини ўтайди.

Саҳна асарида Тўмариснинг заҳматли ва шарафли ҳаёт йўли, Ватан озодлиги учун мардонавор кураши қизиқарли ва жуда таъсирли лавҳалар, саҳнавий кўринишлар ёрдамида акс эттирилган.

Дарҳақиқат, Тўмарис жасорати ёш авлодни ватанпарварлик, юрт тақдири учун дахлдорлик руҳида камол топтиришда, она Ватанга садоқатли фарзандлар бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этади.

Спектаклда Дилором Каримова, Карим Мирходиев, Фарҳод Худойбердиев, Гулхумор Абдуллаева, Элмира Раҳимжонова, Феруза Собитова, Жамила Ғофурова, Наргиза Салмонова, Замира Бешимова каби бир гуруҳ таниқли ёш киноижодкорлар ўз ролларини маромига етказиб ижро этган.

Постановкачи режиссёр Сайфиддин Мелиев.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Ислом Исмоилов олган сурат

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилиб, унда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, хотин-қизлар, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида диёримизнинг ҳар бир ҳудудида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар, "Маънавият соатлари", учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Хусусан, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туманлар, маҳалла гузарлари, меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда қишлоқ жойларида яшовчи 4060 нафар хотин-қизларга электр маиший техника жиҳозлари топширилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида ташкил этилган ушбу тадбирда "Касаба уюшмалари – хотин-қизларга" акцияси доирасида аёлларимиз меҳнатини енгиллаштириш мақсадида пойтахтда яшовчи ижтимоий ҳимояталаб оилалардан бўлган 214 нафар хотин-қизларнинг уй юмушларини енгиллаштириш мақсадида уларга замонавий электр-маиший техника жиҳозлари топширилди.

— "Соғлом она ва бола йили"да оиламизга замонавий кир ювиш машинаси берилганидан жуда хурсандман, — дейди Учтепа туманидаги Катта Қаъни маҳалласида яшовчи Муножат Исоқова. — Шундай тинч юртда туғилиб, яшаётганимдан жуда ғурурланаман. Тўрт нафар фарзанд тарбияси билан шуғулланаман. Аёлларга ғамхўрлик қилинаётганидан, эътибор кўрсатилаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шундай экан, юртимизга кўз тегмасин.

Пойтахт корхоналарида самарали меҳнат қилиб келаётган турли соҳа ходимлари ҳам муносиб тақдирланди. Хусусан, турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб келаётган ходимларга касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Мазкур тадбир доирасида касаба уюшмаларининг "Ватан фидойи фарзандларини унутмайди" лойиҳаси ҳам амалга оширилди. Унда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимлари оилалари моддий қўллаб-қувватланди. Шунингдек, энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтдаги коллежлар ҳамда олий ўқув юртларининг талаба ва ўқувчилари ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, 27 нафар ана шундай талаба ва ўқувчиларга касаба уюшмалари стипендияси тантанали равишда топширилди.

— Бугунги тадбир кўтаринки руҳда, байрамона тарзда ўтказилди, — дейди Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мавлуда Сайдуллаева. — Жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётганим муносиб тақдирланганидан жуда ҳам хурсандман. Турли тадбирларда, спорт мусобақаларида ўз иқтидорими намоён этиб келмоқдаман. Мана шу интилишларимни қўллаб-қувватлаб тақдирлаганлари учун касаба уюшмасига миннатдорчилигимни билдираман. Бу рағбатга муносиб бўлишга, ишончларини оқлашга ҳаракат қиламан.

Тадбирда таниқли санъат намояндаларининг чиқишлари, жаранг сочган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА

ЭНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга оид ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши" мавзуида семинар ташкил этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби ўқитувчи ва курсантлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Парламент қуйи палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш асосий вазифалардан бирига айланганини таъкидлади.

Тинчлик энг бебаҳо неъматдир. Зеро, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртдагина ислоҳотлар кутилган самарани беради, одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб, келажагига ишониб яшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг, халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар юксак самара бераётир. Янги-янги саноат корхоналари қурилмоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Семинарда жамиятда барқарорликни янада мустаҳкамлаш, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот органлари шаклланган, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органларининг ўрни ва роли тўғрисида маърузалар қилинди.

Дилшод КАРИМОВ

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик менинг тақдиримда" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори байрамни муносиб кутиб олиш ва уни тантанали нишонлашда дастуруламал бўлмоқда.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида юртимиз обод, турмушимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани таъкидланди.

Истиқлол йилларида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бугун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган миллий стратегиямиз миллий манфаатларимизга тўла жавоб беришини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан этиб белгиланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Оналар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, ҳар томонлама ибрат бўладиган оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тадбир давомида ёш санъаткорлар томонидан Ватан ва тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА)

МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИ ТОБОРА ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини нафақат улкан иқтисодий ютуқлар билан, балки юксак ижтимоий, маданий ва маърифий юксалиш билан кутиб олмоқда. Жаннатмакон юртимизда қисқа муддат ичида эркин дам олиб, мушоҳада қилишга чорлайдиган сўлим гўшалар, гўзал иншоотлар, ажойиб аҳоли яшаш масканлари бунёд этилди. Бугун азим Тошкентимиз халқаро фестиваллар, саноат ярмаркалари, илмий анжуманлар, спорт мусобақалари, юксак даражадаги турли ижтимоий-иқтисодий учрашувлар ўтказиладиган жойга айланди.

Мустақиллик даври жамоат биноларининг илк монументал иншоотлари қаторига Олий Мажлис ва Темурийлар тарихи давлат музейи биноларини киритиш мумкин. Олий Мажлис биноси ўзининг бадиий ечими жиҳатидан ноёб ва бетакрор ҳисобланади. Унинг тўрт томонини безаб турган муҳташам устунлар давлат ва халқ ҳокимияти тимсолини ифодалайди. Бу иншоот халқ ҳокимияти ягона олий ҳокимият эканлигининг тимсолидир. Устунлар ортидаги ойнаванд девор халқ ҳокимиятининг бу ерда қабул қилинадиган қонун ва қарорларининг шаффофлигини акс эттиради. Бино томининг гумбаз тарзида қилинганлиги эса миллий қадриятларнинг эъзозланиши, осмоннинг мусаффолигини, бутун мамлакат ягона конституция муҳофазасида эканлигини билдиради.

Темурийлар тарихи давлат музейи эса унинг яқинида отда виқор тўкиб турган Соҳибқирон салтанатининг — миллий давлатчилигимизнинг бардавомлигини билдиради. Тошкент марказини безаб турган бошқа икки йирик иншоот – Халқаро симпозиумлар саройи ва Маърифат маркази ўзининг маҳобати билан атрофдаги иншоотларга ўзгача улуғворлик касб этиб турибди. Уларнинг биринчисининг тимсолида қўлланилган анъанавий пештоқ шаклининг янгича ечими меъморликда янгилик ҳисобланади. Бу ерда қўлланилган мармар устунлар ўзининг шакли, нисбатлари билан бино ўрнатилган платформага салобат бахш этиб, ўзбек халқининг халқаро ҳамдўстликда тутган тенгма-тенг, муҳим ўрнидан далолат беради. Бино пештоқининг муқарнаслар билан безатилган изораси ўзбек халқи ўз аждодлари тожига мустақиллик туфайли яна эгалик қилишга эришганлигини ифодалайди.

Мустақиллик меъморчилигига янгитдан олиб кирилган гумбаз, устун, тождор шакллар бу ерда ўзгача бадиийликка эга. Бинобарин, Темурийлар тарихи давлат музейидаги айланасимон тож Соҳибқирон салтанати давом этаётганлигини англатса, Симпозиумлар саройидаги тож маълум даражада шоҳона тожнинг тиллақош сингари шаклларини ифодаловчи мотивлар билан уйғунлашиб кетган.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мустақиллик меъморлиги ва шаҳарсозлиги иншоотлари шунчаки зарурат учун вужудга келгани йўқ. Унинг замирида юксак маънавият, ягона эзгулик ғояси ётади. Бинобарин, сўнгги йилларда шакллантирилаётган Нурафшон кўчасининг шимолий ва шимоли-шарқий сарҳадлари 12 дарвозали ўрта асрлар шаҳар деворлари контурини ифодалайди. Бу ерда илк бор қўлланилган бир зина майдончасидаги уч авлод квартираларининг бунёд этилганлиги халқимизнинг фарзандлари ва неваралари билан яшаш ҳақидаги анъаналари билан боғлиқ азалий орзуларининг рўёбга чиққанлигини ифодалайди ва архитектурада янгилик ҳисобланади. Мустақиллик меъморлигининг яна бир аломати, бу — биноларнинг ўзбек анъанавий иморатсозлигига хос бўлган анъсамбллар тарзида қурилишидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон меъморлиги ва шаҳарсозлиги нафақат кенг кўламда ривожланиб бормоқда, балки моҳият жиҳатидан у тамоман янги кўриниш касб этмоқда. Айнан мана шу омил истиқлол меъморлиги аломатларини белгилаб берди ҳамда шаҳарсозликда анъанавий чорбоғлар силсиласидан келиб чиқиб, шаҳарлар экологиясини яхшилашга қаратилган яшил белбоғ концепциясини вужудга келтирди.

Дилшод ЭШМУРАДОВ,
Тошкент Архитектура қурилиш институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори

Реклама ўрнида

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!



Барчангизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этамиз. Энг азиз ва энг улуғ Истиқлол байрами барчамизга қутлуғ бўлсин!

"SEBZOR ZIYO NUR BIZNES"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

"O`ZBEKISTON TEMIR YO`LLARI" AJ
"O`ZTEMIRYO`LQURILISHMONTAJ" UK
ЖАМОАСИ

қадрли ҳамюртларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан самимий табриклайди! Диёримиз тинч, халқимиз турмуши фаровон бўлсин!



"1 – АВТОБУС САРОЙИ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни Истиқлолимизнинг 25 йиллиги байрами билан чин кўнгилдан самимий муборакбод этади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Барча яхши ниятларингиз, эзгу тилакларингиз рўёбга чиқсин. Хонадонингиз қут-баракага, файзга ва беғубор кулгуларга тўлсин.

Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз!



UZTELECOM

*"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК "ТШТТ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
барчангизни энг улуғ неъмат – эркин ва обод Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги билан самимий қутлайди.
Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз.
Қалбимиздан байрам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!*



Реклама ўрнида

ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни эркин ва обод Ватанимиз
Мустақиллигининг 25 йиллиги
байрами билан муборакбод этамиз.
Ушбу қутлуғ айём муносабати билан
сизга ва оила аъзоларингизга куч-ғайрат,
шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.
Гўзал ва бетакрор диёримиз
ҳамиша тинч ва кўркам бўлсин.



"YORDAMCHI" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ



Мустақиллик байрами
муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

"Агробанк" АТБ жамоаси юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан самимий қутлайди. Ватанимиз ҳамиша тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам туҳфаси сифатида "Истиқлол – 25" номли омонат турини таклиф этади.

www.agrobank.uz
тел.(+99871) 203 88 88

AGROBANK

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА
КЎМАКЛАШУВЧИ
"ВАТАНПАРВАР" ТАШКИЛОТИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ
ЖАМОАСИ

VATANPARVAR

юртдошларимизни Истиқлолнинг қутлуғ тўйи билан муборакбод этади!

Йил давомида яхши кайфият сизларни асло тарк этмасин. Ташкилотимизнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ёшлар ва фуқароларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ташкилот тизимида ёшлар ва фуқаролар ўртасида Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни тарғиб этиш ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига ёрдамлашишдан иборат. Шу билан бирга шаҳар Кенгашимиз тасарруфидаги 12 унитар корхоналарда халқ хўжалигига оммавий касб ходимларини, шу жумладан "В", "ВС", "С" тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мурожаат учун телефонлар:

Т/р	Ташкилот номи	Телефон:
1.	Бектемир ўқув спорт-техника клуби	295-12-62
2.	Миробод ўқув спорт-техника клуби	291-14-02
3.	М.Улуғбек ўқув спорт-техника клуби	261-26-33
4.	Олмазор ўқув спорт-техника клуби	229-29-47
5.	Сергели ўқув спорт-техника клуби	150-22-04
6.	Учтепа ўқув спорт-техника клуби	275-65-13
7.	Чилонзор ўқув спорт-техника клуби	277-06-19
8.	Шайхонтоҳур ўқув спорт-техника клуби	242-43-73
9.	Юнусобод ўқув спорт-техника клуби	235-71-80
10.	Яккасарой ўқув спорт-техника клуби	250-44-81
11	Яшнобод ўқув спорт-техника клуби	291-29-62
12.	Тошкент Бирлашган техника мактаби (М.Улуғбек тумани)	269-30-55

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида



Халқимиз учун энг қадрли ва энг азиз байрам бўлган Мустақиллик айёми билан "ZAMIN ENERGO SOZLASH" масъулияти чекланган жамияти жамоаси барча юртдошларимизни самимий қутлайди. Азизлар, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо кўнглимиз шод, мамлакатимиз обод бўлсин!

"OSIYO SAYYORASI PLUS"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

қадрли ҳамшаҳарларимизга она юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами барчамизга қутлуғ бўлсин! Юртимиз осмонида тинчлик қуйлари янграйверсин.



Жаннатмакон юртимизнинг меҳнатсевар аҳлини кириб келаётган Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан муборакбод этамиз.

барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, она Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги шукуҳи қалбларимизга сурур, юртимизга фаровонлик, файзу барака ва тўкинлик олиб келсин!



"4-АВТОБУС САРОЙИ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

XALQ BANKI

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

АТ Халқ банки бир йил муддатга 15 дона ҳар бири 500 та фойдаланувчи (жами 7500 та фойдаланувчи) учун "Kaspersky Total Security for Business STAN and Caucases" антивирус дастури лицензиясини сотиб олиш бўйича танлов муддатини узайтиради.

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони:
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 3-уй.
Телефон: (99871) 120-17-90, 120-17-49. www.xb.uz. e-mail: marketing@xb.uz.

2. **Танлов мақсади:** "Касперский антивирус дастури лицензиясини сотиб олиш".

3. Танлов ўтказилиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.

4. Тижорат таклифлари (техник талаблар бўйича алоҳида, нархлари бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) **2016 йилнинг 2 сентябрь** куни Тошкент вақти билан **соат 17.00 га қадар** қабул қилинади.

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган:

1. "SPACE ARSENAL SERVIS" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 2014 йил 4 февраль кунидаги 2-12/14-сонли ижро варақасига асосан, 2009 и/ч., дав/рақ: 01 Р 103 ВА бўлган, "МАТИЗ" русумли:
бошланғич баҳоси – 19 117 781 сўм.

2. "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 2015 йил 11 ноябрь кунидаги 231/15-сонли ижро варақасига асосан, 2005 и/ч., дав/рақ: 10 W 515 DA бўлган, "CHEVROLET NIVA" русумли: бошланғич баҳоси– 32 193 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 27 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 27 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 23 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40. **Гувоҳнома № 009293.**

Хурматли ҳамшаҳарлар!

2016 йил 26 август куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2А-уй Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев бошчилигида сайёр учрашув ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари таклиф этилади.

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2016 йил 4 мартдаги ҳукми асосида берилган 1-71/16-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 К 212 UA, кулранг рангли, "ЛАСЕТТИ" русумли, носоз ҳолатдаги автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси 47 487 258 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Суд ижрочиларининг Тошкент шаҳар Учтепа туман бўлими.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 сентябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890725-88-80.**

Гувоҳнома № 4621

Реклама ўрнида



Кўргазма

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Тошкент Фотосуратлар уйида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон хорижлик дипломатлар нигоҳида" деб номланган фотокўргазма очилди.


Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган фотокўргазмада Хитой, Буюк Британия, Латвия, Жанубий Корея, Бангладеш, Индонезия каби мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

Кенгаш раиси М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча давлатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги элчихоналар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, кўргазма, анжуман ва фестиваллар ҳамкор давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистон халқининг бетакрор урф-одатлари, турмуш тарзи намойишига айланган ушбу фотокўргазма Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, хусусан, Буюк Британия билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, – дейди ЎзА мухбирига Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Аллан. – Бугунги кунда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани ғоят қувонарли. Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан муборакбод этаман.

Кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари томонидан суратга олинган 160 фотосурат намойиш этилди.

– Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ушбу фотокўргазмада қатнашаётганимдан хурсандман, – дейди Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маъсуд Маннан. – Ўзбекистоннинг изчил тараққиёти, хушманзара ва фусункор табиати, дўстона муҳит, ўзбекона меҳмондўстлик каби кўплаб омиллар барчага бирдек манзур бўлиши шубҳасиз. Юртингиздаги кўп асрлик тарихий обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётгани таҳсинга лойиқ.

Кўргазма иштирокчилари фотосуратларда Ўзбекистонни ёрқин ва ўзига хос, ноёб ва кўпқиррали ўлка сифатида тасвирлаган. Тарихий обидаларнинг маҳобатли образларида дунё тамаддунининг кўп асрлик қиёфалари ва муҳим даврлари акс эттирилган. Фотосуратларнинг катта қисми юртимизнинг меҳмондўст ва кўпмиллатли халқи ҳаётига бағишланган. Шунингдек, диёримизнинг гўзал табиати манзаралари, миллий байрамларимиз, урф-одатларимиз, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти суратга олинган.

Н.НАСРИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги Қонуни ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мавзуларида семинар ташкил этилди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Маълумки, бозор муносабатларининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланган рақобат муҳитини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар, ишлар, хизматлар, айниқса ички истеъмол бозори, давлат ва корпоратив харидларни амалга оширишда ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатга чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Семинар давомида ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилиб берилаётганлиги бир пайтда ноҳалол рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг амалга оширилаётган ҳаракатлари қонун билан тақиқланишини, товар ва молия бозорларидаги муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонунига асосан тартибга солиниши таъкидланди.

Шунингдек, Низом талабларига асосан қайси ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилиши ва ундан чиқарилиши тўғрисида маълумотлар берилди.

Шу билан бирга бир қатор тегишли қонунларнинг мазмун-моҳияти, монополияга қарши давлат органининг табиий монополия субъектлари фаолияти соҳасидаги ваколатлари ҳамда табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиб-тамойиллари тушунтирилди.

Семинар доирасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар бўйича фикр алмашилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Тадбирда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан етарлича жавоб қайтарилди.

Баҳодир КАРИМОВ,
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУБОГИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан турли соҳа вакиллари ўртасида "Касаба-тур" веломарафони, "Соғлом турмуш сари" шиори остидаги тармоқлараро спартакиадалар, "Соғлом оила", "Биз – спортчилар оиласи" каби оилавий мусобақалар мунтазам ўтказиб келинаётир.

Пойтахтимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб турли вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кубоги учун мусобақа ўтказилди.

Турли соҳаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида спортни оммалаштириш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бу орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган турнирда 24 жамоа ўзаро баҳслашди.

Мусобақа якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жамоаси биринчи, Олий суд жамоаси иккинчи, Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб жамоалар тақдирланди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири





Янги ўқув йилига тараддуд

ЎзА олган суратлар

ЮРТИМИЗ МАДҲИ ЁШЛАР ИЖОДИДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида талаба-ёшлар ўртасида иншолар танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган танловда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилаётганини таъкидлади. Бундан самарали фойдаланаётган ёшларимиз илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият, спорт ва бошқа йўналишларда юксак марраларни забт этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда иштирокчилар "Мустақиллик – бебаҳо неъмат", "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!", "Конституция – менинг тақдиримда", "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним, Ўзбекистоним!", "Куч – адолатда", "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият" каби мавзуларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, юртимизда кечаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини туйиб, ўз орзу-мақсадларини самимий ифодалаган ҳолда истеъдодини намоён этди.

Мазкур танлов йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, юрт равнақи йўлида олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил фикрлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Танлов якунига кўра, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 1-академик лицейнинг учинчи босқич ўқувчиси Бобур Ҳамроев биринчи, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг иккинчи босқич ўқувчиси Юлдуз Усмонова иккинчи ва Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти биринчи курс талабаси Саодат Султонова учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Ўзбекистон – қариялари қадр топган юрт" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Ш.Усмонов, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г.Алимова, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д.Аллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ инсонларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, муносиб ҳаёт кечириши, саломатлигини тиклаши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кексаларни қадрлаш, саломатлигини муҳофазалаш доимий эътиборда.

Жорий йилда "Нуроний" жамғармаси томонидан ижтимоий ҳимояга олинган ёлғиз кексаларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатлиги мустаҳкамланди. Ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, Саховат ва Мурувват уйларидаги фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича хайрия тадбирлари ташкил этилди. Ўттиз мингдан зиёд нуронийнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент каби тарихий шаҳарлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳати ташкил этилди.

– Кексаларимиз халқимиз, давлатимизнинг меҳр ва эътиборини ҳис этиб яшамоқда, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Т.Тешабоев. – Мустақиллик байрами арафасида уруш ва меҳнат фронти иштирокчилари, кексалар яшаётган эҳтиёжманд оилаларга электрон-маиший техника воситалари берилди. Байрамга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётир. Беш мингдан ортиқ меҳнат фахрийси касаба уюшмалари томонидан санаторийларда соғломлаштирилди.

Анжуманда нуронийларга кўрсатилаётган эътибор, давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўз борди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ФИНАЛДА ЎЗБЕК ТЕННИСЧИЛАРИ ҚАТНАШДИ

Бишкек шаҳрида ташкил этилган "Bishkek Sunrise Open – 2016" халқаро турнирининг қизлар мусобақасидаги жуфтлик беллашувларида бош соврин учун ўзбекистонлик теннисчилар баҳс олиб борди.

Қирғизистонлик Эмма Нургазиева билан ҳамкорликда ўйнаган ҳамюртимиз Ясмина Каримжонова финалда ўзбекистонлик Валерия Воробьева ва Севил Йўлдошева билан куч синашди.

Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган финал учрашуви 6:4, 6:4 ҳисобида Ясмина ва Эмма фойдасига ҳал бўлди ва бу жуфтлик бош совринни қўлга киритди. Мазкур беллашувда вакиламизнинг бир неча маротаба мураккаб зарбаларни аъло даражада ижро этганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Беларусда теннис бўйича "Фьючерс" турнирида иштирок этган ҳамюртимиз Санжар Файзиев ярим финалга қадар етиб борди.

Мусобақа давомида исроиллик Алон Элие, қозоғистонлик Денис Евсеев ва россиялик Маркос Каловелонисни ишончли тарзда мағлубиятга учратган ҳамюртимиз финал йўлланмаси учун бўлган беллашувда биринчи рақамда сараланган мезбон теннисчи Дмитрий Жирмонтга қарши кортга чиқди.

Санжар ҳарчанд уринмасин тажриба ва маҳорат бобида устун бўлган Дмитрий Жирмонт 7:6, 6:4 ҳисобида зафар қучди. Шунга қарамай, мутахассислар томонидан ярим финал беллашувларига қадар етиб келган теннисчимизнинг турнирдаги иштироки юқори баҳоланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЕТАКЧИ ЖАМОАЛАР КУЧ СИНАШДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 19-тур баҳслари пешқадам клубларга навбатдаги муҳим ғалабаларни туҳфа этди.

Турнинг марказий учрашуви Қаршида бўлиб ўтди. Унда совринли ўринлар учун курашаётган "Насаф" жамоаси амалдаги чемпион "Пахтакор" билан куч синашди. Қизиқарли ва шиддатли курашларга бой кечган ўйин майдон эгаларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунига етди.

Жорий йилги мавсумда фақат биринчи ўрин учун кураш олиб бораётган "Локомотив"га ушбу турда ҳам омад қулиб боқди. Тошкентда "Сўғдиёна" жамоаси билан беллашган темирйўлчилар рақибларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб муҳим очколарга эга бўлишди. Дарвозаларга голларни "Локомотив"дан — С.Мирзаев, Т.Абдухолиқов (2 та), С.Шоаҳмедов, "Сўғдиёна"дан — С.Рашидовлар киритишди.

Ўз майдонида эришилган ушбу ғалаба "Локомотив"га ўтказилажак Осиё чемпионлар лигаси чорак финал баҳси олдидан ўзига хос кўтаринкилик бағишлаши аниқ.

Тошкентда бўлиб ўтган "Бунёдкор" ҳамда "Шўртан" жамоалари баҳси ҳам жуда қизиқарли кечди. Муросасиз беллашувда тошкентликлар 2:1 ҳисобида зафар қучишди. Шу куни стадионга тушган мухлислар "Бунёдкор"дан — Ж.Иброҳимов, Д.Ҳамдамов, "Шўртан"дан — У.Эшмуродов томонидан дарвозаларга киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қизилқум" — "Обод" — 4:1, "Металлург" — "Олмалиқ" — 4:2, "Бухоро" — "Қўқон-1912" — 3:1, "Нефтчи" — "Андижон" — 1:2, "Навбаҳор" — "Машъал" — 3:2.

НУФУЗЛИ ТУРНИРДА ҚАТНАШАДИ

Вьетнам мамлакати 25 сентябрдан пляж (соҳил) спорт турлари бўйича ташкил этилаётган 5-Осиё ўйинларига мезбонлик қилади.

Ушбу нуфузли турнирда пляж (соҳил) спортининг 22 тури бўйича мусобақалар ташкил этилади. Эътиборлиси, Осиё ўйинларида юртимиз шарафини Ўзбекистон пляж (соҳил) футболи терма жамоаси ҳимоя қилади. Шунингдек, ушбу турнирда ҳамюртимиз Бахтиёр Намозов ҳам ҳакам сифатида иштирок этади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизлар футболи ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Буни мамлакатимиз вакилларининг аёллар футболи бўйича халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этаётганлари ҳам яққол исботлаб турибди.

25 августдан Вьетнамда 16 ёшгача бўлган қизлардан таркиб топган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатига саралаш турнири старт олади. Ушбу нуфузли турнирда Карима Йўлдошева етакчилигидаги Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Терма жамоамиз ғолиб бўлиш учун қитъа биринчилигига саралаш гуруҳида Вьетнам, Австралия, Гонконг, Фаластин, Ироқ ўсмирлар терма жамоаларини мағлуб этиши керак. Дарвоқе, гуруҳда ғолиб бўлган терма жамоага келгуси йили Хитой мезбонлик қиладиган Осиё чемпионати финал босқичида қатнашиш насиб этади. Эслатиб ўтамиз, 16 ёшли қизлардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмир-қизлар терма жамоамиз 2013 ҳамда 2015 йилги Осиё чемпионати финал босқичларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган эди.

Биз ушбу нуфузли турнирда зафар қучишни мақсад қилган Ўзбекистон ўсмир-қизлар терма жамоамизга омад ёр бўлсин деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан мудҳиш из қолдириши маълум. Айни шу "тилсиз ёв" ҳужуми сабабли йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолишади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодиётга ҳам жиддий путур етказади.

Мамлакатимизда ва пойтахтимизда мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари фаол ҳаракат қилиб келаётир. Аслини олганда, жиноятчиликка қарши курашиш кенг жамоатчиликнинг иши бўлганидек, ёнғинга қарши кураш олиб бориш ҳам нафақат соҳа ходимларининг, балки шу юртнинг фарзанди бўлган барча фуқароларнинг зиммасидаги бурчидир.

Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда ҳудудимиздаги ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Жумладан, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўраётирмиз.

Шунингдек, маҳалла ва кўчаларига ўзбошимчалик билан фуқаролар томонидан ноқонуний ўрнатиб олинган тўсиқларни олиб ташлаш борасида ҳам тегишли ҳудуд аҳолиси билан тушунтирув ишлари олиб борилмоқда. Асосийси тўсиқлар бартараф этилмоқда. Ўйлаймизки, нафақат ёнғинларнинг, балки бошқа турдаги нохуш ҳодисаларнинг ҳам оқибати аянчли, шу сабабли уларнинг олдини олганимиз маъқулроқ.

Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари барча ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларини эҳтиёткорликка чақириб қоламиз.

Д.МУСАЕВ,
28-ҲЁХҚ смена бошлиғи, майор

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнғинларнинг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак улар асосан электр симлари эскиргани ёки вақтида таъмирланмаганлиги туфайли ёнғинлар содир бўлаётганлиги аниқланди.

АВТОТРАНСПОРТНИ НАЗОРАТГА ОЛАЙЛИК!

Биз аксарият ҳолларда транспорт воситасининг электр қисмларини бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатамиз, таъмирлашга келганда устага бормасдан ўзимизча иш қиламиз. Устага сарфланадиган озгина пулни тежаймиз деб, катта харажатга замин ҳозирлаймиз. Ўзимизча пулимизни тежаяпмиз, деймиз-у, аслида бепарволик қилиб бир неча баробар кўп пул сарфлаганимизни билмай қоламиз. Масалан, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларимиз автомобиль карбюраторидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди. Эътибор қилган тақдирда ҳам бензин оқаётган жойини қўлбола усулда сим билан боғлаб қўядилар. Арзимагандек бўлиб кўринган бу ҳолат юқорида эслатганимиздек, катта фалокатларни келтириб чиқаради. Ана шу кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблағни аяган ҳайдовчи ёнғин содир бўлгач, пулни бир неча ўн баробар сарфлайди. Келинг, шу жойда яхшилаб ўйлаб кўрайлик, қай бири фойдали? Носозликни мутахассис ёрдамида дарҳол бартараф этишми ёки унинг асоратларидан азият чекишми? Албатта носозликни вақтида олдини олган афзал.

Нохуш ҳодисаларнинг олдини олай десангиз, сизга бириктирилган автоуловларнинг электр қисмларининг ишлаш жараёнини мунтазам назорат қилишдан эринманг, шунда тасодифан содир бўладиган "тилсиз ёв"нинг олдини олган бўласиз.

Нурбол МАМЕНОВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

34-36 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 августда** Тошкент шаҳрида 25 **август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи — Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ